108

2-4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
_____
201_9_ йил "08" 06

"КЕЛИШИЛДИ"
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
_____
201_ йил "_" 10
Руйхатга олинди № БД 5150900 –3.04
201_ йил "17" 08

ТИКУВ БУЮМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим сохаси:	100 000 – Гуманитар
Таълим соҳаси:	150 000 - Санъат
Таълим йўналиши:	5150900 - Дизайн (костюм)

Тошкент – 201_9

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2019 йил "17" 08 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил "4" 10 даги "892"-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Х.М. Юнусходжаева - ТТЕСИ ,"Костюм дизайни" кафедраси доценти

Тақризчилар:

А.З.Рашидов - К.Бехзод номли МРДИ, "Либос дизайн" кафедра мудири

М.Бабаджанова – ТТЕСИ, «ТБКТ» кафедраси доценти, т.н.ф., доцент

Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил «28» 06 даги «12» - сонли баённома).

I.Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур енгил саноат корхоналарида ва кичик ва ўрта бизнес дизайн ташкилотларида либослар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ва уларни такомиллаштириш йўллари; турли материаллардан буюм тикиш технологик жараёни; кийимлар сифатини бахолаш, технологик жараёнларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, буюм сермеҳнатлигини қисқартириш ва манбаа тежаш истиқболлари масалаларини қамрайди.Хозирги кунда республикамизда турли енгил саноат махсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Бу корхоналарда тайёрланадиган тикув буюмлар нафақат ички бозор балки жахон бозори талабларига жавоб бериши шарт. Шунинг учун тикув буюмлари технологияси фани ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бугинидир.

«Тикув буюмлари технологияси» фани ихтисослик фани хисобланиб, 4-6-семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (олий математика, информатика ва ахборот технологиялари, чизма геометрия муҳандислик графикаси, материалшунослик), умумкасбий (лойиҳалаш, композиция асослари, костюм тарихи), ихтисослик (тикув буюмларини конструкциялаш, костюмни макетлаш) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – тикув ва трикотаж корхоналарида кийим тикиш усуллари, устки ва енгил кийим тикиш технологияси асослари, тайёрловбичиш ишлари, технологик жараёнларни лойиҳалаш бўйича йўналиш профилига мос билимлар даражаси билан таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, технологик жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёкарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар кўйилади.***Талаба:***

- тикув буюмарини ишлаб чикариш турлари;
-тикув буюмарнинг ишлаб чикариш технологик жараёнларининг таснифи ва вазифалари;
-кийим деталларини бириктириш усуллари,
- енгил ва устки ассортиментдаги кийимларни тикиш технологияси ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- тикув буюмларини ишлаб чикаришга тайёрлаш босқичларини;
- газламаларни бичишга тайёрлаш ва бичишни;
- енгил ва устки кийим деталларига намлаб-иситиб ишлов бериш технологиясини;

-елка ва бел кийим деталлари ва узеллларига ишлов бериш усулларини;

- елка ва бел кийимларини тикишда ишлатиладиган ускуналарни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

- елка ва бел кийимларни тикиш;

- устки кийимларни тикиш;

- кийим тикишнинг технологик тартибини ва унинг схемаларини чизиш;

- турли газламалардан тикилган буюмларга намлаб- иситиб ишлов бериш технологияси орқали шакл бериш;

- тикув буюмларининг технологик нуқсонларни аниқлаш ва бартараф этиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1- Модул. Тикув буюмлари технологиясининг умумий асослари

1-мавзу. Кийим ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари тўғрисида маълумот

Кийим тўғрисида умумий маълумот. Буюмларни ишлаб чиқариш босқичлари.

2-мавзу. Тажриба цех вазифалари

Тажриба цехининг конструкторлар гурухи вазифалари. Материаллардан тежамли фойдаланиш тўғрисида умумий маълумот. Газлама чиқинди турлари. Андаза ёймасини бажаришга қўйиладиган талаблар. Тажриба цехининг технологик гурухи. Моделларни ишлаб чиқаришга туширишни такомиллаштириш йўллари.

3-мавзу. Газламаларни бичишга тайёрлаш

Газламаларни бичишга тайёрлаш. Тайёрлов цехнинг вазифалари. Газламаларни қабул қилиш, ўровидан очиш ва сақлаш. Газламаларни сифатини текшириш ва ўлчаш. Сифати текширилган газламаларни сақлаш. Газламаларни тўшамага мўлжаллаб хиллаш. Газламаларни тайёрлаш ва сақлашнинг такомиллаштириш йўллари.

4-мавзу. Газламаларни бичиш

Бичиш цехининг вазифалари. Газламанинг тўшашга қўйиладиган талаблар. Газламаларни тўшаш усуллари. Газлама тўшашда қўлланиладиган асбоб-ускуналар. Буюм деталларини бичиш. Деталларни комплектлаш ва номерлаш. Бичиш цехининг якунловчи операциялари. Газламаларни тўшаш ва бичишнинг такомиллаштириш йўллари.

5-мавзу. Кийим деталларини бириктириш усуллари

Кийим деталларини ип билан бириктириш усули. Қавиқ турлари ва уларни ҳосил қилиш усуллари. Қавиқ қаторлар, уларни бажариш техник шартлари ва қўллаш жараёни.

6-мавзу. Машина чок турлари

Машина чок турлари. Бирлаштирувчи чоклар. Зий чоклар. Безак чоклар.

7-мавзу. Кийим деталларини елимлаб бириктириш

Елимлаб бириктириш жараёнининг моҳияти, елимлаб бириктиришни афзаллиги ва камчилиги. Турли елимларнинг таснифи. Елим материал турлари ва уларни қўллаш жараёни. Елим билан бириктириш усулини ип билан бириктириш усули билан таққослаш ва унинг самарадорлиги.

8 -мавзу Кийим деталларига намлаб-иситиб ишлов бериш

Тикув буюмларни намлаб-иситиб ишлов бериш. Намлаб иситиб ишлов (НИИ) беришни вазифаси ва моҳияти. НИИ жараёнига таъсир этувчи омиллар ва уларни ўзаро боғлиқлиги. НИИ беришнинг параметрлари. НИИ беришнинг операциялари, уларнинг моҳияти ва қўллаш жараёни. НИИ бериш асбоб-ускуналари.

2-Модул. Кийим тикишнинг технологик жараёнлари

9-мавзу Тикув буюмларга ишлов бериш босқичлари

Кийим узелларига ишлов. Кийим майда деталларга ишлов бериш. Кийим деталлари қирқимларига ишлов бериш. Витачка турлари ва уларга ишлов бериш. Кокеткага ишлов бериш усуллари.

10-мавзу Устки кийимда чўнтак турлари ва уларга ишлов бериш

Қирқма чўнтак тикиш.

11-мавзу. Қопқоқли қирқма чўнтак тикиш

Чўнтак қопқоқни тикиш. Чўнтак халтани тикиш.

12-мавзу. Кантли қирқма чўнтак тикиш

Кантли қирқма чўнтак тикиш. Чўнтак халтани тикиш.

13-мавзу. Рамкали қирқма чўнтак тикиш

Рамкали қирқма чўнтак тикиш. Чўнтак халтани тикиш.

14-мавзу Листочкали қирқма чўнтак тикиш

Листочкали қирқма чўнтак тикиш. Чўнтак халтани тикиш.

15-мавзу. Чокдаги чўнтак тикиш

Чокдаги чўнтак турлари. Чокдаги листочкали чўнтакка ишлов бериш. Чокдаги чўнтакка ишлов беришнинг такомиллаштириш йўллари.

16-мавзу. Қоплама чўнтак тикиш

Қоплама чўнтакни олд бўлакка улаш усуллари. Қоплама чўнтакни олд бўлакка бостириб тикиш. Қоплама чўнтакни олд бўлакка елимлаб ёпиштириш.

17- мавзу. Шим чўнтагини тикиш

Шим олд бўлагидаги қиялама чўнтакни тикиш.Шим ён чокидаги чўнтакни тикиш. Шим орт бўлгидаги чўнтакни тикиш.

18 - мавзу. Ички чўнтак тикиш

Ички чўнтак турлари.Авра газламадан листочка қўйилган чўнтак тикиш. Аврасидан қўшма мағзли рамка ҳосил қилинган чўнтак тикиш

19 - мавзу. Бортга ишлов бериш

Бортга ишлов бериш босқичлари. Борт котирмасини тайёрлаш.Адип тикиш. Адипга ишлов бериш. Олд бўлаккга адипни улаш усуллари.

20-мавзу. Ёқага ишлов бериш ва уни ёқа ўмизига ўтқазиш

Ёқаларни конструкциясини таснифи. Остки ёқага ишлов бериш ва уни устки ёқа билан бириктириш усуллари. Ёқани ёқа ўмизига ўтқазиш.

21-мавзу. Енгларга ишлов бериш ва енг ўмизига ўтқазиш

Енгларнинг конструкцияси таснифи. Енг учига ишлов бериш усуллари, енг астарига ишлов бериш ва авра билан бириктириш. Енгга ишлов беригшнинг такомиллаштириш йўллари.

22-мавзу. Буюм астарига ишлов бериш ва аврага бириктириш

Астарнинг вазифаси. Астарга ишлов бериш усуллари. Астарни аврага бириктириш усуллари. Елка тагликларни тайёрлаш ва енг ўмизига бириктириш.

23-мавзу. Шимга ишлов бериш

Шим тақилмасига ишлов бериш усуллари ва уларни такомиллаштириш йўллари.

24-мавзу. Шим юқори қирқимига ишлов бериш усуллари

Шим юқори қирқимига ишлов бериш усуллари.

25-мавзу. Манжетли ва манжетсиз шим почасига ишлов бериш усуллари

Манжетли ва манжетсиз шим почасига ишлов бериш усуллари. Шим узелларига ишлов бериш замонавий технологияси ва асбоб-ускуналари.

26-мавзу. Юбкага ишлов бериш

Юбка тақилмасига ишлов бериш усуллари.

27-мавзу. Белбоғли ва белбоғсиз юбка юқори қирқимига ишлов бериш

Кайтарма белбоғни юбкага улаш. Юбкани юқори четига корсаж тасма улаш. Улама белбоғини юбкага улаш.

28-мавзу. Юбка этагига ишлов бериш усуллари

Юбка этагига ишлов бериш усуллари. Юбка узулларига ишлов беришни такомиллаштириш йўллари.

3-Модул. Енгил кийим деталлари ва узелларига ишлов бериш усуллари

29-мавзу. Енгил кийимларда чўнтакка ишлов бериш

Эркаклар ва аёллар кўйлагида қўлланиладиган чўнтак турлари ва уларга ишлов бериш усуллари. Чўнтакларга ишлов беришни такомиллаштириш йўллари.

30-мавзу. Тақилма турлари ва уларни қўллаш жараёни

Кўйлак этагигача бўлган тақилмаларга ишлов бериш усуллари. Яхлит деталдаги тақилмалар ва уларга ишлов бериш усуллари. Тақилмаларга ишлов беришни такомиллаштириш йўллари.

31-мавзу. Кўйлак ёқасига ишлов бериш

Ёқа турлари ва уларга ишлов бериш усуллари. Ёқани ёқа ўмизига ўтқазиш. Ёкасиз кўйлакларда ёқа ўмизига ишлов бериш усуллари.

32-мавзу. Кўйлакда қўлланиладиган енг турлари ва уларга ишлов бериш усуллари

Манжетли ва манжетсиз енгларга ишлов бериш.

Енгни енг ўмизига ўтқазиш. Енгсиз кўйлакларда енг ўмизига ишлов бериш.

33-мавзу. Кўйлак этагига ишлов бериш усуллари

Кўйлак этагига ишлов бериш усуллари. Кўйлак узелларига ишлов беришни такомиллаштириш йўллари.

34-мавзу Кийим сифатини техник назорат қилиш

Кийимлар сифатини бахолашнинг умумий маълумотлари. Материал ва кийимлар сифатини бахолаш усуллари. Кийимларда учраши мумкин бўлган нуксонлар, уларни олдини олиш ва йўқотиш йўллари. Кийим навини аниқлаш.

IV. Лаборатория машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Лаборатория машғулотлар учун тавсия этиладиган мавзулар:

1.Тикув буюмлари ассортименти ва уларни кодлашни ўрганиш. Техник хужжатлар билан танишиш.

2.Қавиқ турлари ва уларни қўллаш жараёни.

3.Машина чок турлари, қўллаш жараёни ва конструкцияси.

4.Тикув буюмларини елим билан бириктириш.

5.Универсал машинада иш режимларини ўрганиш.

6.Устки кийим чўнтакларига ишлов бериш.

7.Кийим бортига ишлов бериш. Кийим бортига ишлов бериш усуллари.
8.Устки кийим ёқасига ишлов бериш.
9.Устки кийим енггига ишлов бериш.
10.Астарга ишлов бериш ва аврага улаш.
11.Шим узелларига ишлов бериш.
12.Юбка узелларига ишлов бериш.
13.Енгил кийим ён чўнтагига ишлов бериш.
14.Аёллар ва эркаклар кўйлагининг: тақилмасига, ёқасига, енгига ва этагига ишлов бериш.

Лаборатория машғулотлари талабаларда тикув буюм узелларига ишлов бериш, уларни йиғиш, асосий деталга улаш бўйича амалий кўникма ва малака ҳосил қилиши керак.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:
1.Тикув буюмларни бичиш жараёнини автоматлаштириш.
2.Буюмларни намлаб иситиб ишлов беришни такомиллаштираш.
3.Устки кийим тикишда кўп зонали қотирмаларни қўллаш.
4.Турли газламалардан тикиладиган кийимларни тикиш технологиясини ўзига хослиги.
5.Эркаклар пиджагини йиғиш ва тикиш.

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, талаба ўқитувчи раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш, турли ассортиментдаги кийимларни тикиш амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. M.K.Rasulova, B.G.Isroilova,M.A.Asadullaeva. Kiyim ishlab chiqarish texnologiyasi.O'quv qollanma. T.: TTYeSI 2014yil.366 bet.
2. М. Ш. Жабборова Тикувчилик технологияси. Дарслик. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 й. - 414 б.
3. Кокеткин П.П. Одежда: Технология-техника, процессы - качество. М: Изд. МГУДТ, 2001г. - 560 с.

Қўшимча адабиётлар

4. Mirziyoeyv Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil, 488 bet.
5. Mirziyoeyv Sh. M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2016 yil, 56 bet.

6. Mirziyoeyv Sh. M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash- yurt taraqqiyoti va xalq faravonligining garovi. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil, 48bet.
7. Mirziyoeyv Sh. M. Tanqidiy taxlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak.Toshkent, "O'zbekiston",2017yil,104bet.
8. Mirziyoeyv Sh. M. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947- sonli Farmoni.
9. А.Т.Труханова "Технология женской и детской легкой одежды» Учебник –Высшая школа,2005 г.-406 стр.
10.Кокеткин П.П. и др. Промышленная технология одежды. М.: Легпромбытиздат, 1988. – 640 стр.
11.Самарходжаев Х.Х. Тикув корхоналари жихозлари Т. 2001 й. -127 бет
12.Кокеткин П.П. , Сафронова И.В., Кочегура Т.Н. Одежда: технология – качество. М.,: Издательство «Спутник», 2001.
13. «Швейная промышленность», «Текстильная промышленность» ва мода журналлари

Интернет сайтлари

14.www.gov.uz- Ўзбекистон Республикаси хукумат портали
15. www.lex.uz- Қонун хўжжатлари маълумотлари миллий базаси
16.http// www.ziynet.uzl/library/libid/50000
17.http//www.ziynet.uz/uz/library/libid/30000
18. http// www.ziynet.uzl/library/libid/50000
19.http//www.ziynet.uz/uz/library/libid/30000
20.http//www.ziynet.uz/uz/library/libid/30507
21.http// www.titli.uz/index.php/uz/axborotresurslari/qollanma.html
22.http// www.titli.uz/index.php/uz/axborotresurslari/Darsliklar.html
23.www.legprominfo.ru
24.www.textil-press.ru